

Научный вестник Бухарского государственного университета * Scientific reports of Bukhara state University



ISSN 2181-6875

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

2/2016

• ANIQ VA TABIIY FANLAR

Тўлаганов А.А. Илм-фан ва техника ривожини интеллектуал миллий бойлигимиз юксалишининг гарови.....	2
Жураев И.М. Аддитивные лиевые дифференцирования на алгебрах локально измеримых операторов.....	4
Расулов Т.Х. О кратности собственных значений двухканальной молекулярно-резонансной модели.....	11
Назаров М.Р., Назарова Н.М. Қўш мева қуритгичларида ҳарорат-намлик режимларини автоматик бошқаришни моделлаштириш.....	19
Кулиев Н.Ш., Курбанов М.Т. Экспертиза качества и хлебопекарных свойств пшеничной муки.....	23
Джахангирова Г.З. Обоснование целесообразности применения плодовых и овощных полуфабрикатов для нутрификации мучных изделий.....	29
Zaripov N.N., Shadmanov I.U., Shadmanova K.U. Avtomatlashtirilgan tizimlarda foydalanuvchi parolini himoya qilish va uni tanlash strategiyasi.....	34
Doniyorov B.N. Ko'k kaplar (Columba livia gmelin) biologiyasiga doir ma'lumotlar (Buxoro viloyati misolida).....	38

• TILSHUNOSLIK

Бушуй А.М. О паремийном сближении разных языков.....	43
Asadov T.N., Sobirova D.R. Nutqqa xos ayrim aloqaviy sifatlar xususida.....	48
Касимова Р.Р. Ўзбек маросим кийим-кечакларини ифодаловчи этнографизмларнинг инглизча таржимада акс эттирилиши.....	53
Xolmuradova M.Ф. "Qutadg'u bilig" matnida lug'aviy omonimlarning badiiy qiymati.....	59
Бабаева В.Т. Немис тилидан ўзлашган сўзларнинг маъно гуруҳлари хусусида.....	63
Усмонова М.К. Ўзбек тилшунослигида соддалаш ш ҳодисасининг ўрганилиши.....	69
Жалилова Л.Ж. Особенности сатирического образа в американской литературе начала XX века.....	72

• ADABIYOTSHUNOSLIK

Қувватова Д.Х., Қодирова Р.С. Нозим Ҳикмат ва ўзбек позмачилиги.....	78
Бекова Н.Ж. Навоийнинг икки тилдаги газалиётида факрлик талқини.....	81
Вольтайева Г.Ш. Ulug' shoimning forsiy durdonasi.....	84
Нусратова Ҳ.Ч. Ўзбек болалар қиссачилиги тадрижи (С.Барноев ижоди мисолида).....	87
Жумаева Д.Т. Тема двойничества в литературе XIX века.....	92
Темирова Дж.Х. Методы генерирования идей в преподавании литературы.....	98
Ҳажиева Ф.М. Биографик роман жанри намуналарида муаллиф маҳорати ва услубий муштараклик.....	103
Шералиева М.И. Эркин Аъзам асарларида идеал ва воқелик масаласи.....	112

• NAVOIY GULSHANI

Эшонкулов Ҳ.П. Хотирини жамъ истар эрсанг, аввал хавотир дафъин эт.....	117
---	-----

• FALSAFA VA HUQUQ

Намозов Б.Б. Хожа Муҳаммад Порсо таълимотида зикр асослари талқини.....	120
Музаффаров Ф.Д. Муҳаммад Ғаззолийнинг ахлоқ фалсафаси.....	124

Қодиров Д.Х., Мавлонова Ў.Х. Фатализм гоёси тараққиёти ёхуд тақдир ва ирода эркинлиги фалсафаси.....	131
--	-----

• TARIXSHUNOSLIK

Ҳайитов Ж.Ш. Ғулжа (ХХР)даги ўзбек "намун" мактаби - олимпика замин бўлган зиё маскани.....	135
Қличев О.А., Сайфуллаев Б.Д. Бухоро давлат университети тарихидан лавҳалар.....	140
Айматова З.Ғ. Туркистон минтақасидаги мусулмонларнинг ҳаж зиёрати тарихидан (1867-1917).....	144
Зарипов Ж.Ғ. Франция-Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий муносабатлари.....	149

• IQTISODIYOT

Наврўз-Зода Б.Н., Тойирова С.А. Кўп тармоқли фермер хўжалиқларининг рақобатбардошлигини баҳолаш усули.....	153
Абдуллоев А.Ж., Давлатов С.С. Кооперация жараёнининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари асослари.....	162
Boltayeva Sh.B., Hamidov M.E. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlashning iqtisodiy samaradorligi.....	168

• PEDAGOGIKA

Yo'ldosheva D.N., Rajabova R.Z. Ona tili ta'limi va uning maqsadini belgilash tarixidan.....	171
Boymurodova G.T., Tosheva N.T. Boshlang'ich ta'limda bilish faoliyatini rivojlantiruvchi o'quv vaziyatlarini tashkilashtirishda hamkorlikda o'qitishning o'ziga xos xususiyatlari.....	176
Пирманова Г.Н. Психолого-педагогические основы изучения студентами художественного наследия Англии как средство активизации интереса к английскому языку.....	180
Zaripova G.K., Qodirova U.M. Oliy ta'lim tizimida zamonaviy kompyuter texnologiyalarini talabalarga o'rgatish jarayonida interaktiv usullardan foydalanish.....	184
Муродова Г.Б. Особенности преподавания информатики в начальной школе.....	189
Қадиров Р.Х., Файзиёв Я.З. Методические преимущества использования прибора Garmin forerunner 301 на занятиях физической культуры.....	192
Тажибаев С.С. Ёш тазквондчиларнинг (ВТФ) умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги динамикаси.....	195
Файзиёва У.А., Файзиёва Х.А. Педагогик техника ва педагогик такт бўлажак ўқитувчи касбий шаклланишининг омили сифатида.....	200

• SAN'ATSHUNOSLIK

Badiyev M.M., Mamurova D.I. Fayzobod xonaqosi va Muhammad shoh axsi jome masjidi.....	204
Авлиякулов М.М. Гипсли намунадан қолип орқали нусха олиш технологияси.....	208

• MONOGRAFIYA

Qahhorov S.Q., Murodov N.M. Texnik ijodkorlik va dizayn fanidan muhim o'quv qo'llanma.....	213
--	-----

• XOTIRA

Неъматов Ҳамид Фуломович (1941–2016).....	215
---	-----

• E'LON

"Бухоро давлат университети илмий ахбороти" журналида мақола эълон қилиш талаб ва шартлари.....	218-219
---	---------

КЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛИ

Наврўз-Зода Бахтиёр Негматович

БухДУ Туризм кафедраси профессори, и.ф.д., Турон Фанлар академияси академиги

Тойирова Сарвиноз Атоевна

БухДУ талабаси

Таянч сўзлар: рақобат, рақобатчи, рақобатбардошлик, диверсификация, кўп тармоқли фермер хўжалиги, ташқи рақобат, ички рақобат, баҳолаш, рақобатбардошлик даражаси.

Ключевые слова: конкуренция, конкурент, конкурентоспособность, диверсификация, многопрофильное фермерское хозяйство, внешняя конкуренция, внутренняя конкуренция, оценка, степень конкурентоспособности.

Key words: competition, competitor, competitiveness, diversification, multisectoral farm, external competition, internal competition, assessment, the degree of competitiveness.

Мақолада кўп тармоқли фермер хўжалигининг рақобатбардошлигига тафсилот берилиб, унинг баҳолаш ёндашувларини таҳлил қилган ҳолда рақобатбардошлик даражасини аниқлашнинг муаллифлик услуги тавсия этилган.

В статье на основе анализа различных подходов оценивания дана характеристика конкурентоспособности многопрофильного фермерского хозяйства, а также представлена авторская методика определения степени конкурентоспособности.

The article presents a detailed information on the competitiveness of farming economy. The authorial method of identifying the degree of competitiveness by analyzing assessment approaches is also recommended.

Кириш

Бозор иқтисодиётга ўтиш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатадиган энг муҳим омилни *кураш руҳи* ташкил этади. Одилона курашнинг куч-қудрати инсонларнинг хўжалик юритиш фаолияти шакллари сезиларли даражада белгилайди ва "рақобат" иқтисодий атамасида ёрқин намоён бўлади. Агар истеъмол қиймати жиҳатидан бир-бирига яқин товар маҳсулотлари ишлаб чиқариб бозорларда сотилса, хўжаликлар ўртасида рақобат вужудга келади. Рақобат кескинланишининг сабабларидан бири - кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши ва турли мулкдаги хўжалик субъектлари сонининг кўпайиб боришида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2015 йил 15 декабрдаги 362-сонли Қарорига [1] мувофиқ, фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш натижасида Бухоро вилоятида 2015 йил 1 октябрда - мақбуллаштиришгача даврда 4632 га фермер хўжалиги фаолият кўрсатиб, улардаги ўртача ер майдони 44,4 гектарни ташкил этган бўлса, мақбуллаштириш натижасида 2015 йил 1 декабрда вилоятда фермер хўжаликларининг сони 5273 тага етказилиб, уларнинг ўртача ер майдони 39,0 гектарга қадар камайтирилди. Яъни, ҳозирги вақтда вилоятимизда фермер хўжаликларининг сони 641 тага ёки 13,8 фоизга кўпайиб, уларнинг ер майдонлари 5,4 гектар (12,1%) га камайтирилди [2]. Бундай диверсификациялаш сиёсати эвазига мамлакатимизда кўп тармоқли фермер хўжаликларини шакллантириш ва улар ўртасида сифатли ҳамда арзон маҳсулот етиштириш йўлида соғлом иқтисодий беллашув, рақобат вужудга келади.

Тадқиқот методологияси

Кўп тармоқли фермер хўжаликларининг сони тез суръатлар билан кўпайиши шароитида улар ўзининг кундалик тадбиркорлик фаолиятида рақобатга дуч келади.

Бундай вазиятда фермер хўжалиklarининг рақобатбардошлигини баҳолаш долзарб масалага айланади. Чунки, иқтисодийetni модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигини муваффақият билан юриштининг бош мезони сифатида фермер хўжалиklarининг рақобатбардошлик даражаси ташкил этади.

Мақоланинг асосий мақсади рақобатбардошликни баҳолаш ёндашувларини ўрганиш асосида кўп тармоқли фермер хўжалиklarининг рақобатбардошлигини баҳолаш усулини яратиш тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Қўйилган мақсадга эришиш учун мақолада диверсификация тўғрисида тушунча бериш; диверсификациянинг кўп тармоқли фермер хўжалиklarини шакллантиришдаги ролини ёритиш; фермер хўжалиklarда рақобатбардошликнинг хусусиятларини ёритиш; фермер хўжалиklarининг рақобатбардошлигини баҳолашга оид ёндашувларни таҳлил этиш; кўп тармоқли фермер хўжалиklarининг рақобатбардошлигини баҳолашнинг муаллифлик усулини ишлаб чиқиш вазифалари қўйилган.

Кўп тармоқли фермер хўжалиklarининг рақобатбардошлигини ўрганиш жараёнида тизимли таҳлил методологияси қўлланилади. Тизимли ёндашув фан методологиясида катта эвристик, ижодий креатив аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосий вазифаси мураккаб объектлар, ҳар хил тип ва туркумга мансуб тизимларни ўрганиш ва тузиш методларини ишлаб чиқишдан иборат. Тизимли ёндашувнинг моҳияти бутунлик ва қисмликка асосланади [6]. Тизимли таҳлилнинг тузилиши декомпозиция (қисмларга ажратиш), анализ (таҳлиллар ўтказиш) ва синтез(баҳолаш)дан иборат. Декомпозициялаш усулидан фойдаланиб, мақолада фермер хўжалиklarининг рақобатбардошлиги ички ва ташқи турларга бўлинган ҳолда тадқиқ этилади. Фермер хўжалиklarининг рақобатбардошликни баҳолаш ёндашувларини ўрганишда қиёсий таҳлил услубиётдан фойдаланиб, уларнинг кўп тармоқли хўжалиklarга хос ёндашуви танланади. Тизимли таҳлилнинг синтез таркибий қисмидан фойдаланиб, кўп тармоқли фермер хўжалиklarининг рақобатбардошлигини баҳолаш усулини яратиш тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқилади.

Шунингдек, мақолани ёзишда тадқиқотларнинг монографик таҳлил усулидан ҳам фойдаланилган ҳолда хориж ва мамлакатимизда нашр этилган ҳамда интернетда мавжуд бўлган манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш натижасида айнан кўп тармоқли фермер хўжалиklarининг рақобатбардошлигини баҳолаш ёндашуви асосланади. Рақобатбардошликнинг нисбий ўлчамли бўлганлигини инобатга олиб, кўп тармоқли фермер хўжалигининг рақобатбардошлик даражасини аниқлашда илмий изланишларнинг қиёслаш усулидан мақолада кенг фойдаланилади.

Фермер хўжалиklarини диверсификациялаш асосида кўп тармоқликка айлантириш

Диверсификация - (лотинча сўзларидан: «diversus» - ҳар хил ва «facere» - қилмоқ) - ассортиментни кенгайтириш, хўжалиқда етиштирадиган маҳсулот турини ўзгартириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида янги ишлаб чиқариш турларини ўзлаштириш каби маъноларни билдиради. Диверсификация – бу хилма-хилликнинг биргалиқдаги меъеридир. Хилма-хиллик қанча кўп бўлса, диверсификация ҳам шунча кўп бўлади. Диверсификация фермер хўжалиklarининг халқаро бозорларда ўз маҳсулотларини сотишга кўмаклашадиган глобал маркетинг стратегияси сифатида намоён бўлади. У хўжалиklarнинг рақобатбардошлик афзалликларини яратишда кўл келади. Бундай стратегияга мувофиқ фермер хўжалиги харидорларга манзур бўлган маҳсулотнинг янгича турларини етиштиришга интилади. Кўп тармоқли фермер хўжалиklarда рақобатнинг диверсификацион стратегиясидан фойдаланиш эвазига маҳсулот турини кўпайтириб, уларга янгича хусусият беришга интилишлари туфайли ўз рақибларига нисбатан афзалликка эга бўладилар.

Аграр соҳасида диверсификация рақобатбардошликнинг муҳим омили сифатида хизмат қилади. Адабиётларда агродиверсификациянинг учта йўналиши ажратилади [5]:

- ❖ ишлаб чиқаришнинг тузилмасини рационаллаштириш;
- ❖ товар ҳаракатининг босқичларини узайтириш;

ди
то
хў
иш
эти
ист
хў
яра
топ

қа
1.
2.
Т
хў
йў
ма
кў
бў
ху
кор
ва
тик
хў
қи
дара
Б
Тум
Бухор
Вобке
Ғижду
Жондо
Когон
Қораву
Қоракў
Олот
Пешку
Ромита
Шофир
Бухоро
Жа
Манба
Эти
етиштир

❖ маҳсулотни сотиш ва бошқа нокишлоб чиқариш фаолиятидаги хизматларнинг қўллаш соҳаларини кенгайтириш.

Е.Н.Кашинскаянинг диссертацион тадқиқотларига кўра деҳқон хўжаликларда диверсификациялашнинг ишлаб чиқаришнинг тузилмасини рационаллаштириш ҳамда товар ҳаракати босқичларини узайтириш йўналишларини амалга ошириш натижасида хўжаликларнинг ишлаб чиқариш рентабеллиги 2 мартага ошиб, сотиб олинган қайта ишлайдиган модулларнинг харажатларини қоплаш муддати эса 1,5-2 йилни ташкил этилган. Диверсификациялашнинг учинчи йўналиши ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчилар томон ҳаракати билан боғлиқ саъй-ҳаракатлардан иборат бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва ташиш учун хўжаликлараро моддий-техник базасини яратиш ҳамда кейинча уларни сотиш ва тайёрлашга қайта йўналтиришда ўз ифодасини топади.

Деҳқон хўжаликларидан фарқлироқ фермер хўжаликларда рақобатнинг диверсификация стратегияси икки йўналишда намоён бўлади:

1. Тик (вертикал);
2. Ётиқ (горизонал).

Тик (вертикал) диверсификация стратегиясига кўра фермер хўжаликларда нокишлоқ хўжалик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматларни кўрсатиш фаолият йўналишларини ривожлантиришда ўз ифодасини топади. Бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш кичик корхоналарни ташкил этиш, турли пуллик хизмат кўрсатиш турларини йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлган фаолият турларидан иборат бўлиши мумкин. Тик диверсификация стратегиясини қўлланаётган фермер хўжаликлари ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш цехлари, тикувчилик кичик корхонаси, автосервис устахонаси, маиший хизмат кўрсатиш уйи ва бошқа кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатиши мумкин. Диверсификациянинг тик стратегиясини фермерлар ўз амалий фаолиятида қўллаш натижасида фермер хўжаликлари аграр соҳасининг самарали кичик бизнес субъектларига айланиб, қишлоқларда яшайдиган аҳолининг бандлигини таъминлаш ва уларнинг турмуш даражасини оширишга салмоқли ҳисса қўшиш имконияти кенгайди.

Бухоро вилояти бўйича фермер хўжалик (ФХ)лари сони ва уларнинг ихтисослашув йўналишлари (2015 йил 15 декабрь ҳолатида) 1-жадвал

Туманлар	ФХ сони	Жумладан ихтисослашув йўналишлари бўйича				
		пахта-чилик ва ғалла-чилик	сабзавот-чилик ва полизчилик	боғдорчилик ва узумчилик	чорвачилик	бошқа йўналишлар
Бухоро	682	331	9	228	99	15
Вобкент	414	372		16	21	5
Ғиждувон	469	342	2	25	91	9
Жондор	659	435	2	94	128	
Когон	379	247	1	60	62	9
Қоравулбозор	212	156		11	41	4
Қоракўл	427	347	5	50	7	18
Олот	318	295	3	7	12	1
Пешку	414	316		15	83	
Ромитан	519	403	1	60	55	
Шофиркон	673	446	9	179	28	11
Бухоро ш.	107	17	55	32	3	
Жами	5 273	3 707	87	777	630	72

* Манба [2].

Ётиқ (горизонал) диверсификация стратегиясига мувофиқ фермер хўжаликлари етиштирадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулот турини кўпайтиради. Пахтачилик ва ғаллачилик

фаолиятига қўшимча сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва яратиш билан шуғулланади. Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатининг ҳозирги даврдаги стратегик йўли кўп тармоқли фермер хўжаликларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат. Ҳукуматнинг мақбуллаштириш сиёсатиغا кўра бугун пахта ва ғалла йўналишларидаги фермер хўжаликлари билан бир қаторда сабзавотчилик ва полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа йўналишларига ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2015 йилнинг охирида аграр соҳасида амалга оширилган мақбуллаштириш сиёсати мувофиқ фермер хўжаликлари сони ва уларнинг ихтисослашув йўналишларида ўзгартиришлар киритилди. Бухоро вилоятида ҳозирги вақтда 5273 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқдаки, уларнинг 70,3% ёки 3707 таси пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослаштирилган бўлса, 87 таси - сабзавотчилик ва полизчиликка, 777 таси - боғдорчилик ва узумчиликка, 630 таси - чорвачиликка ва қолган 72 таси - қишлоқ хўжалигининг бошқа йўналишларига ихтисослаштирилди. Бундай ихтисослашув фермер хўжаликлар ўртасида рақобатни янада ҳам кескинлаштиришга олиб келади. Чунки, ихтисослаштирилган фермер хўжаликларда ихтисослашув йўналишлари бўйича етиштирадиган маҳсулотларининг сифати яхшироқ ва самарадорлиги юқорироқ бўлиб, нархлари нисбатан пастроқ бўлиш имкони вужудга келади.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларда рақобатбардошликнинг ўзига хос хусусиятлари

Тадбиркорлик субъектлари хўжалигини юритишнинг сифат ва самарадорлигини таҳлил этишда рақобатбардошлик масаласи муҳим ўрин тутаяди. Бу турли хўжалик юритувчи субъектларининг замонавий маркетинг ва менежмент усулларида фойдаланилган ҳолда товар маҳсулоти ва хизматларига бозорда мавжуд бўлган талаб-эҳтиёжларни ҳар томонлама ўрганиш асосида ўзининг реал ва потенциал мижозлар кўламини кенгайтириш саъй-ҳаракатлари билан чамбарчас боғлиқ. Гап шундаки, *рақобатбардошлик – имманентсиз сифатдир* ва у хўжалик юритувчи субъектларнинг ички хусусиятига хос бўлмайди ҳамда уларнинг табиатидан ҳам бевосита келиб чиқмайди. У фақатгина ўхшаш маҳсулот етиштирадиган ва хизмат кўрсатадиган хўжаликлар гуруҳи доирасида намоён бўлади. Хўжаликлар ўртасидаги рақобатбардошлик афзалликларни қиёслаш йўли билан ошкор қилиш мумкин.

“Фермер хўжаликларнинг рақобатбардошлиги” ва “қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлиги” бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган атамалар ҳисобланади. Фикримизча, рақобатбардошлик тизимида, агар фермер хўжалигининг рақобатбардошлиги ўзига хос *базис* ролини ўйнаса, унда етиштирадиган маҳсулотларининг рақобатбардошлигини *устқурма* сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Бир томондан, фермер хўжалиги рақобатбардош бўлолмайди агар, унинг етиштирадиган маҳсулотлари харидорлар томонидан эътироф этилмаса-ю, уларнинг сотишида муаммолар мавжуд бўлса, бошқа томондан, фермер хўжалигининг имижи, унинг рақобатбардошлик афзалликлари етиштирадиган маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш учун қулай имконият туғдиради. Яъни, бу икки атама бир бутунлик сифатида аграр соҳасидаги рақобатбардошлик тизимнинг иккита узвий қисмини ташкил этади деб, ўйлаймиз.

Фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигининг асосий шарт-шароитини рақобатбардош маҳсулот етиштириш, ишлаб чиқариш ва сотиш ташкил этади. Бироқ, уларни сотиши учун бозорда самарали ишни ташкил этиш зарур. “Фермер хўжаликларнинг рақобатбардошлиги” деганда хўжаликнинг бозордаги жорий ҳолати, биринчи навбатда, бозордаги ҳиссаси ва унинг ўзгариш тенденциялари назарда тутилади. Бундан келиб чиқиб фермер хўжаликлари ва улар етиштирадиган маҳсулотларига хос

“рақобатбардошлик” тушунчасининг куйидаги аломатларини ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади [4]:

1. Рақобатбардошлик бозорда намоён бўлади.
2. “Рақобатбардошлик” тушунчаси универсаллик хусусиятга эга бўлиб, ҳам бозор муносабатлари объекти (товар, хизматлар) ва ҳам субъекти (ташкilot, тармоқ, мамлакат умуман)га тарқатилади.
3. Рақобатбардошлик кўп даражалилик хусусиятга эга.
4. Рақобат муҳитининг доимо ўзгариб тургангили туфайли хўжалик юритувчи объект ва субъектларининг рақобатбардошлиги ҳаракатчан ва беқарорлик ҳолатда қарор топади.
5. Рақобатбардошлик нисбий ўлчамдирки, унинг қиёслаш негизини рақобатчиларнинг ўхшаш кўрсаткичлари ташкил этади.
6. Рақобатбардош маҳсулот ва корхона ўзаро боғлиқ тушунчалардир, чунки, корхона ўз товар ва хизматлари орқали рақобатбардошликнинг билвосита ифодаловчиси ҳисобланади-да, корхона рақобатбардошлиги эса ўз навбатида маҳсулот рақобатбардошлигини аниқлашда фойданиладиган тавсифлов (баҳолов)чилардан фарқ қиладиган баҳоловчилар воситасида аниқланади.

Рақобатбардошлик рақобат объектининг солиштирма хусусияти ҳамда такрор ишлаб чиқариш жараёнининг таркибий қисмидир. Бундай сифатда аграр соҳасида у ташқи ва ички шаклларининг намоён бўлишининг умумийлиги билан фарқланади. Яъни агар саноатда рақобатбардошлик ўзининг анъанавий “тармоқ ичидаги” ва “тармоқлараро” кўринишларига эга бўлса, қишлоқ хўжалигида рақобат бошқача, “ички” ва “ташқи” шаклларда намоён бўлади. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ичида пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик каби мустақил тармоқ ости соҳаларнинг мавжудлиги рақобатнинг классик нуқтаи назаридаги “тармоқ ичидаги” ва “тармоқлараро” ҳудудларини ўпириб кетади. Натижада фермер хўжаликларга хос рақобатнинг ўзига мос шакллари пайдо бўлади (2-жадвал). Булар:

1. Фермер хўжаликларининг ташқи рақобати.
2. Фермер хўжаликларининг ички рақобати.

Бунда, “ташқи рақобат” деганда фермер хўжаликлар ўртасидаги кураш тушунилса, “ички рақобат” - фермер хўжаликларнинг турли тармоқлари ўртасида, яъни улар томонидан етиштирадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хўжалиқда маҳсулотларни қайта ишлаб яратадиган товар маҳсулотлари, бажарадиган ишлари ҳамда кўрсатадиган турли хизматлари ўртасидаги беллашув назарда тутилади.

2-жадвал

Фермер хўжаликларига хос бўлган ички ва ташқи рақобатнинг тафсилотлари*

Аломатлари	Ички рақобат	Ташқи рақобат
Субъектлари	Фермер хўжаликлари	Кўп тармоқли фермер хўжаликлари
Объектлари	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни сотишининг энг яхши шарт-шароитлари	Кўп тармоқли фермер хўжалигининг кўпроқ фойда келтирадиган фаолият турлари
Шарт-шароитлари	Ўхшаш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг индивидуал қийматидаги тафовутлар	Турли фаолият йўналишларининг фойда меъёрлардаги тафовутлар
Натижалар	Бир хил маҳсулотларнинг бозор қиймати ва бозор нархи	Ишлаб чиқаришнинг ўртача фойдаси ва нархи

*Манба: Муаллифлар ишланмаси.

Қайд қилиш жоизки, буюмли ва вазифавий рақобат турлари фермер хўжаликларга ҳам мос келади. Буюмли рақобат фермер хўжаликларда етиштирадиган бир хил эҳтиёжларни қондирадиган асосий фаолият йўналишларидаги маҳсулот ассортименти (пахта, ғалла, картошка, сабзи) ўртасидаги рақобат шаклида намоён бўлади. Вазифавий рақобат

эса фермер хўжаликлари томонидан яратадиган кўшимча фаолият тури ўртасидаги рақобат кўринишига эга бўлади.

Шунингдек, фермер хўжалиги рақобатбардошлигининг учта даражасини ажратиш лозим:

↓ фермер хўжаликларида етиштирадиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги билан боғлиқ бўлган рақобатнинг **оператив** даражаси;

↓ фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий ҳолатидан боғлиқ бўлган рақобатнинг **жорий** даражаси;

↓ фермер хўжаликларининг инвестицион-инновацион жозибадорлигидан боғлиқ бўлган рақобатнинг **стратегик** даражаси.

Рақобатбардошликнинг ҳар бир даражаси ўзининг ўлчов мезонига эга. Рақобатнинг оператив даражасида ўлчов мезон сифатида - *маҳсулот рақобатбардошлиги*; жорий даражада - *хўжалик ҳолатини тавсифловчи умумлашган кўрсаткич*; стратегик даражада - фермер хўжалигининг *қийматини орттириш* хизмат қилади [7]. Фермер хўжалиги раҳбари ўз хўжалигининг рақобатбардошлигини ҳар учала даражада мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириши талаб этилади.

Фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини баҳолаш ёндашувларига тафсилот. Рақобатбардошлик нисбий ўлчам бўлиб, уни солиштириш учун таянч асос сифатида рақибларнинг ўхшаш кўрсаткичлари хизмат қилади. Иқтисодий адабиётларда рақобатбардошлигини баҳолаш бўйича ҳали-ҳанузгача ягона ёндашув мавжуд эмас. Ҳарб тадқиқотчилари рақобатбардошлигини миқдорий баҳолаш тарафдорлари ҳисобланадилар. Уларнинг мақсади аграр соҳасининг самарали фаолият кўрсатишга таъсир ўтказадиган қатор омилларни аниқлаш орқали уларни миқдори баҳолаш асносида рақобатбардошлигининг йиғма индексини ҳисоблашдан иборат. Бунда таҳлил объекти сифатида алоҳида хўжаликларнинг рақобатбардошлиги қўлланилади. Россия олимлари турли усуллардан, жумладан рейтинг баҳолаш услубиётидан фойдаланиб хўжалик рақобатбардошлигини баҳолашни тавсия этадилар.

Корхона рақобатбардошлигини баҳолашнинг инглиз олими Майкл Портерни қийматнинг занжир концепциясига асосланган усули эътиборга лойиқ. Унинг асосини Портер томонидан таклиф этилган “Value Chain” (қиймат занжири) ғояси ташкил этади [10]. Бу ғояга кўра фирманинг барча фаолият турлари икки гуруҳга: *асосий фаолият* (доимий ишлаб чиқариш, сотиш, етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш) ва *қўллаб-қувватловчи фаолият* (ишлаб чиқаришни технология, меҳнат ресурслари, инфратузилма таркибий қисмлари билан таъминлаш) турларига бўлинади. Асосий ва қўллаб-қувватлайдиган қийматлар ҳаракатлари рақобатбардошлик афзаллигининг ўзига хос қурулиш блоклари вазифасини бажаради. Харажатлардаги афзал манбалари ҳам ишлаб чиқариш блокада ва ҳам логистик блокада мавжуд бўлиши мумкин. Қийматнинг занжир концепцияси рақобатбардошлик афзаллигини шакллантириш жойини кўриш, стратегик режалаштиришни амалга ошириш, капитални самарасиз фойдаланаётган масканини топиш ҳамда инқироздан чиқиш йўллари аниқлаш имконини беради. Мазкур методиканинг ижобий томони: *трансформациялаш мумкинлигида*, яъни аниқ корхона эҳтиёжини кўзлаб ишларнинг каму-кўстини тўлдириб охиргача етказишда. Рақобатбардошликни аниқлаш фирманинг қийматлар блоки бўйича тузилган саволномага эксперт гуруҳи томонидан жавоб қайтариш йўли билан 1 дан 5 га қадар баҳо қўйиш орқали амалга оширади. Бунда 1 баҳо паст (савол ёки фикр реал ҳолатга мувофиқ келмайди), 3 баҳо – қисман ва 5 баҳо - тўлиқ мос келади деган баҳолаш тартибини билдиради. Сўроқ натижалари корxonанинг қийматлар занжирига киритилган ҳолда унинг эришилган рақобат афзаллик ҳолати аниқланади.

Француз олими Ж.Ж. Ламбеннинг корхона рақобатбардошлигини баҳолаш методикаси ҳам диққатга сазовордир. Мазкур усул товар бозорида амалдаги корхоналарнинг рақобатбардошлигини солиштирма баҳолашга асосланган. Корхона рақобатбардошлигини баҳолаш индикаторлари 3-жадвалда кўрсатилган.

*Ман
3
шк
балл
балл
берил
юқори
дараж
дараж
алгор
↓
↓
1 га те
↓
қийёсла
↓
берила
Ж.Ж.
га олма
қуйида
❖ а
❖ т
қоплай
❖ ц
❖ э
Шун
рақобат
имкон бе
Қишл
баҳолаш
ганки, қ
бардошл
қилади:
- тов
- хўж
Қишл
даражала

Корхона рақобатбардошлигини баҳолаш индикаторлари*

Улчов мезонлари	Баҳолаш кўлами		
	паст (1-2 балл)	ўрта (3-4 балл)	юқори (5 балл)
1. Бозорнинг нисбий улуши	Лидерлиги 3\1 дан камроқ	Лидерлиги 3\1 дан кўпроқ	Лидер
2. Товарнинг нисбий хоссалари	Товар табақаланмаган	Товар табақаланган	Товар ноёб (нодир)
3. Харажатлар	Бевосита рақибникидан юқори	Бевосита рақибники даражасида	Бевосита рақибникидан паст
4. Технологияларни ўзлаштириш даражаси	Зўрға ўзлаштирилади	Осонгина ўзлаштирилади	Тўлиқ ўзлаштирилган
5. Товар ҳаракати йўллари	Воситачилар назорат қилинмайди	Воситачилар назорат қилинади	Тўғридан-тўғри сотиш
6. Имиж	Мавжуд эмас	Мавжуд	Кучли имиж

*Манба [7]

3-жадвалдан кўриниб турибдики, рақобатбардошлик 6 та индикатор юзасидан 5 балли шкала бўйича баҳоланади. Рақобатбардошлик коэффиценти корхонанинг баҳолаш балларини лидернинг баҳолаш балларига нисбатан аниқланади. Лидер – бу энг юқори баллар йиғиндисини тўпланган корхона ҳисобланиб, унга 1 га тенг бўлган коэффицент берилади. Коэффицентнинг 1,0 дан 0,9 гача миқдорга тенг бўлганида рақобатбардошлик юқори даражада; 0,9 дан 0,7 гача миқдорда тенг бўлганда рақобатбардошлик ўрта даражада ва коэффицент 0,7 дан пастроқ миқдорга тушганида, рақобатбардошлик паст даражада эришган, деб ҳисобланади. Ушбу усулга кўра рақобатбардошликни баҳолаш алгоритми қуйидаги босқичлардан иборат:

- ✦ ҳар бир рақиб бўйича баллар ҳисоб-китоб қилинади;
- ✦ энг кўп йиғилган баллар сонидаги рақобатчини аниқлаб, унинг рақобатбардошлиги 1 га тенг қилиб тайинланади;
- ✦ ҳар бир рақобатчининг баллар йиғиндиси лидернинг баллар йиғиндиси билан қиёслаш йўли билан рақобатчилар учун рақобатбардошлик коэффиценти белгиланади;
- ✦ рақобатбардошлик коэффицентининг қиймати бўйича рақобатчиларга ўрин берилади.

Ж.Ж. Ламбен усулнинг камчилиги, аграр соҳасининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олмаслигидадир. Иқтисодиётнинг аграр соҳаси ўзига хос хусусиятларга эгадирки, улар қуйидагилардан иборат [3]:

- ❖ аграр секторининг рентабеллиги юқори даражада бўлмаслиги;
- ❖ такрор ишлаб чиқариш даврининг давомийлиги ва сарфланган маблағларни қоплай олиш даврининг узунлиги;
- ❖ шакллантирадиган ялпи қўшилган қийматнинг паст даражалиги;
- ❖ экологик омили.

Шунинг учун ҳам аграр соҳага хос бўлган хусусиятлар бошқа соҳалар учун яратилган рақобатбардошликни баҳолаш усулларини ҳамма вақт фермер хўжаликларга қўллашга имкон беради.

Қишлоқ хўжалиги ташкилотлари рақобатбардошлигининг назарий асослари, унинг баҳолаш усулларини ўрганиш асосида рус олими Л.К. Хаммадеева шундай хулосага келганки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида аграр корхоналарнинг жорий рақобатбардошлигининг асосий кўрсаткичлари сифатида ҳозирги вақтда қуйидагилар хизмат қилади:

- товар маҳсулоти рентабеллиги;
- хўжаликларининг бозордаги ҳиссаси.

Қишлоқ хўжалиги ташкилоти кўрсаткичларининг рақиблари ёки ўрта тармоқдагилари даражаларидан юқори бўлган тақдирда у рақобатбардош ҳисобланади. Рақобатбардош-

лик кўрсаткичларининг ҳисоб-китобларини синтезлаш сабабли ҳар бир кўрсаткич индексага ўтказиб 0 дан 1 гача сонларга теглаштирилади. Индекслар рақобатчи хўжаликлардаги кўрсаткичларининг минималидан максимал миқдорга ўзгаришларини кўрсатади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг рақобатбардошлик индексини қуйидаги формула асосида ҳисоблашни тавсия этади [11]:

$$I_k = (I_n + I_p) / 2,$$

Бу ерда: I_k – қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг рақобатбардошлик индекси; I_n – товар маҳсулоти рентабеллиги индекси; I_p – хўжаликларининг бозордаги позицияси индекси.

Бу кўрсаткич фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини аниқлашга мос келмайди. Чунки, бу усулда хўжаликнинг бозордаги улушини ҳисоблашда асос сифатида сотиш ҳажми олинади. Фермер хўжаликлар учун бозор улушини ҳисоблаш жараёнида ишлаб чиқариш ҳажми ва сотиш ҳажми ўртасида тенглик аломат қўйиш мумкин эмас.

Ўзбекистонлик олимлар ҳам фермер хўжаликлари рақобатбардошлигини баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган [9]. Бу тадқиқотларда фермер хўжаликларининг кўп тармоқлилик хусусиятларини инobatга олмаганлиги сабабли уларни рақобатбардошлигини баҳолашнинг янги усулларини яратиш тақозо этади.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини баҳолаш усули.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини рақобатбардошлигини умумлашма кўрсаткич асосида миқдорий ўлчаш мумкин. Бу учун биз рақобатбардошликнинг умумлашма мультипликатори сифатида - "Кўп тармоқли фермер хўжалигининг рақобатбардошлик даражаси" (қисқача: КТФХРД) кўрсаткичини айирбошлашга киритиб, уни қуйидаги формула бўйича ҳисоблашни тавсия этамиз:

$$КТФХРД = \left(1 - \frac{ДХ}{ЯД - \dot{УХ}} \right) \times 100 \%,$$

Бу ерда: ДХ – кўп тармоқли фермер хўжалигининг доимий харажатлари; ЯД – кўп тармоқли фермер хўжалигининг ялпи даромади; УХ – кўп тармоқли фермер хўжалигининг ўзгарувчан харажатлари.

- | | |
|---|---|
| 1 | • баҳолаш мақсадини аниқлаш; |
| 2 | • таҳлилда ҳисобга олинadиган соҳа (фаолият тур)ларини аниқлаш; |
| 3 | • қиёслаш базасини танлаш; |
| 4 | • ўлчанадиган хоссаларни тавсифлаш; |
| 5 | • танлаб олинган хоссаларни баҳолаш; |
| 6 | • рақобатбардошликнинг умумлашма кўрсаткичини ҳисоблаб чиқиш; |
| 7 | • рақобатбардошлик тўғрисида хулосалар чиқариш. |

1-расм. Рақобатбардошликни аниқлаш босқичлари [8]

Кўп тармоқли фермер хўжалигининг рақобатбардошлик даражасининг ҳисоб-китобларини 1-расмда кўрсатилан еттита босқичда изчиллик билан амалга ошириш мумкин. Фермер хўжаликларининг фаолиятига иқлимий ўзгаришларнинг кескин таъсир кўрсатишини инobatга олиб, рақобатбардошлик даражаси кўрсаткичини бир неча йилга таҳлил қилиб туриш лозим.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларининг баҳолаш даврида эришилган рақобатбардошлик даражаси кўрсаткичи бўйича хўжаликларни қуйидаги бешта сифат даражаларини ажратиш имкони вужудга келади:

1. Иқтисодий беқарор кўп тармоқли фермер хўжалиги – зарарсизлик ҳолатида қарор топган, рақобатбардошлик даражаси 0 фоизга тенг бўлган фермер хўжалиқдир.

2. Иқтисодий салоҳиятли кўп тармоқли фермер хўжалиги – хўжалик фаолияти натижасида рақобатбардошлик даражасини 25 фоизгача етказиб ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондини вужудга келтира оладиган фермер хўжалиқдир.

3. Иқтисодий ривожланаётган кўп тармоқли фермер хўжалиги – меҳнат ва тадбиркорлик қобилиятини рўёбга чиқариб рақобатбардошлик даражасини 26 фоиздан 50 фоизгача етказган ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди билан бир қаторда хўжаликнинг ижтимоий тараққиёт фондидини ҳам ташкил қила оладиган фермер хўжалиқдир.

4. Иқтисодий барқарор кўп тармоқли фермер хўжалиги – меҳнат унумдорлигини ошириш билан бир қаторда, тадбиркорлик фаоллигини ҳам ошириши натижасида, рақобатбардошлик даражасини 51 фоиздан 75 фоизгача етказган, қишлоқ ва агросаноат мажмуасининг инфратузилмасини ривожлантиришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган фермер хўжалиқдир.

5. Иқтисодий ривожланган кўп тармоқли фермер хўжалиги – рақобатбардошлик даражаси кўрсаткичи бўйича энг юқори меъёри (76 фоиздан 100 фоизгача)га етказган, етиштирадиган маҳсулотларини экспорт қиладиган, хўжаликнинг унумли эҳтиёжларини, хўжалик жамоасининг истеъмол эҳтиёжларини, қишлоқ ва агросаноат мажмуасининг инфратузилмаси эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга имкониятли бўлган, давлат солиқларини вақтида тўлаб турган, хайрия ишларига ҳисса қўшадиган, иқтисодий тараққиётни чўққисига эришган фермер хўжалиқдир.

Тавсия этилган усулда кўп тармоқли фермер хўжалиқларининг рақобатбардошлигини баҳолаш уларнинг рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш имконини яратади.

Хулоса

1) Ўзбекистон иқтисодийни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигини самарали юритишнинг асосий мезонини фермер хўжалиқларининг рақобатбардошлик даражаси ташкил этади. Фермер хўжалиқларининг рақобатбардошлиги эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш рентабеллигини ва бошқарув тизими фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий ўлчови ҳисобланади.

2) Фермер хўжалиқларида рақобатбардошликнинг ўзига хос хусусиятлари биринчи навбатда уларнинг субъектлари ва шаклларида намоён бўлади. Агрорақобатнинг субъектларига “фермер хўжалиқларнинг рақобатбардошлиги” ва “қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлиги” киради. Фермерчиликда рақобат ўзининг анъанавий “тармоқ ичидаги” ва “тармоқлараро” кўринишларидан фарқлайдиган янгича - “ички” ва “ташқи” рақобатчилик шаклларига эга бўлади.

3) Рақобатбардошлик нисбий ўлчамли атама бўлиб, уни баҳолашда “қиймат занжири”, “баҳолаш индикаторлари”, “рақобатбардошлик индекси” каби ёндашувлар мавжуд. Улар кўп тармоқли фермер хўжалиқларининг ўзига хос хусусиятларини инobatга ололмаслиги сабабли аграр соҳасидаги кичик бизнес субъектларининг рақобатбардошлигини аниқлаш усули сифатида қўлланилмайди.

4) Муаллифлар томонидан кўп тармоқли фермер хўжалиқларининг рақобатбардошлигини миқдори ўлчашнинг рентабеллик усули тавсия этилади. “Кўп тармоқли фермер хўжалиқнинг рақобатбардошлик даражаси” умумийлашган кўрсаткичи доимий ва ўзгарувчан харажатлари ҳамда ялпи даромади мутаносиблиги асосида ҳисобланади. Мазкур кўрсаткичнинг эришилган фоиз даражалари бўйича фермер хўжалиқларининг сифат даражалари аниқлаш имкони вужудга келади.

5) Фермер хўжалиқларининг бешта: *иқтисодий беқарор, салоҳиятли, ривожланаётган, барқарор ва ривожланган* сифат даражаларини ажратиш, аграр соҳани модернизациялаш ва диверсификациялашни амалга оширишда, хўжалиқларга хорижий инвестицияларни киритиш ва агроинновацияларни жорий этиш ҳамда четга товарларини чиқариш жараёнида ижобий таъсир кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фермер хўжалиқларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари

- тўғрисида" 2015 йил 15 декабрдаги 362-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 50-сон, 627-модда.
2. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 15 декабря 2015 года № 362 "О мерах по оптимизации размеров земельных участков, предоставленных для ведения фермерских хозяйств" // Собрание законодательства Республики Узбекистан. - 2015. - № 50. - С. 627.
3. **Борель А.Н.** Сущность конкурентоспособности сельского хозяйства и формирующие ее факторы// Журнал международного права и международных отношений. - 2014. - №4. [Электронный ресурс]. <http://www.evolutio.info/content/view/2317/235/> [12.01.2016].)
4. Диагностика конкурентоспособности производства продукции плодоводства и пути её повышения в сельскохозяйственных предприятиях АР Крым. – Симферополь, 2010. [Электронный ресурс]. <http://www.albest.ru> [18.09.2015].
5. **Кашинская Е.Н.** Конкурентоспособность аграрного производства и стратегия формирования ее роста: Автореф... дисс. канд. эк. наук. – Волгоград, 1998. [Электронный ресурс]. <http://www.dissertat.com/content/konkurentosposobnost-agrarnogo-proizvodstva-i-strategiya-formirovaniya-ee-rosta> [19.01.2016].
6. **Karimova V.A. va b.q.** Tizimli tahlil asoslari. Darslik. – T.: O'zFMJN, 2014. – 192 b.
7. Конкурентоспособность организации (предприятия). [Электронный ресурс]. <http://www.grandars.ru/college/ekonomika-firmy/konkurentosposobnost-organizacii.html> [18.09.2015].
8. Оценка конкурентоспособности организации. [Электронный ресурс]. <http://www.grandars.ru/college/ekonomika-firmy/ocenka-konkurentosposobnosti-predprivatiya.html> [12.01.2016].
9. **Равшанов А.Д.** Фермер хўжаликлари рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари. – Т.: Фан ва технология, 2014. – 140 б.
10. **Porter M.** Competitive Advantages. – New York: The free Press, 1985. – P. 37.
11. **Хаммадеева Л.К.** Оценка конкурентоспособности субъектов предпринимательской деятельности казанской пригородной зоны на региональных рынках// Вестник Казанского государственного аграрного университета. - 2014. - № 2 (32) – С. 50-52.

КООПЕРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ Йўналишлари асослари

Абдуллоев Аслиддин Жунайдуллоевич

БухДУ Иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси

Давлатов Сухроб Саиджонович

БухДУ Иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: конституция, кооперация, тадбиркорлик, рағбатлантириш, жамият, қонун, тадбиркорлик, бозор иқтисодиёти.

Ключевые слова: конституция, кооперация, предпринимательство, стимулирование, общество, предпринимательство, рыночная экономика.

Key words: constitution, cooperation, entrepreneurship, encouragement, society, regulation, market economy.

Мақолада қишлоқ хўжалигида кооперация жараёнининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари таҳлил этилган.

В статье дан анализ развития сельскохозяйственного кооператива при поддержке государства.

The article analyzes the directions of state support of the process of cooperation in agriculture.

Инсониятнинг тарихий меросида ижтимоий ривожланиш назарияси ва амалиётига улкан таъсир кўрсатган ҳужжатлар унча кўп эмас. Инсоният тарихининг муҳим ҳужжат-